

30 АПРЕЛЬ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗ БҮЙЛАБ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ҮТКАЗИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 26 апрелдаги тегишли фармойиши асосида 30 апрель куни мамлакатимиз бўйлаб “Маҳалла ободлиги – юрт фаровонлиги” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Ҳашар давомида маҳаллалар, аҳоли турар жойлари, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, мўътабар масканлар, болалар майдончалари тартибга келтирилади. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари янада фаол олиб борилади.

Умумхалқ хайрия ҳашари давомида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламлари, эҳтиёжманд, кўмакка муҳтоҷ, боқувчисини йўқотган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг уй-жойларини яхшилаш ва моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Сиз ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этинг!

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-27 18:22:21